

Бақара сураси, 124-оят

09:25 / 21.11.2017 3894

Эсла, вақтики, Робби Иброҳимни калималар ила синаб кўрганда, у уларни батамом адо этди. (У Зот:) «Албатта, Мен сени одамларга пешво қилмоқчиман», - деди. (У:) «Зурриётимдан ҳамми?» - деди. (У Зот): «Менинг аҳдим золимларга ҳеч қачон етмас», - деди. Бақара 124.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни синаган «калималар» ҳақида тафсирчиларимиз турлича фикрлар билдирганлар. Хулоса шуки, бу калималар буйруқ ва қайтариқлар мажмуасидир. Яъни Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни бир қанча ишларга амр қилди ва бир қанчаларидан қайтарди. Иброҳим алайҳиссалом вафодор банда сифатида у калималарни бекаму кўст адо этдилар. Мукофот тариқасида Аллоҳ таоло у кишига:

«...сени одамларга пешво қилмоқчиман», - деди».

Бу оятда келган «пешво» сўзи «имом», «олдиндаги бошловчи шахс» деган маъноларни билдиради. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни одамларга пешво, бошлиқ, раҳнамо қилмоқчи эканини билдирди. Шу пайтда Иброҳим алайҳиссаломнинг инсонлик табиатлари ўзини кўрсатди: оддий бир инсон сифатида болалари, набиралари, зурриётларини ўйладилар-да:

«Зурриётимдан ҳамми?» - дедилар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу саволга бевосита жавоб бермади, балки умумий қоидани айтди:

«Менинг аҳдим золимларга ҳеч қачон етмас», - деди».

«Золимлар» кимлар?

Зулм, золимлик турлича бўлади. Куфр, ширк ва гуноҳ ишлар қилиш билан, диний кўрсатмалардан чиқиш билан ўзига ўзи зулм қилиш ҳам золимлик, ўзга кишиларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлиб, зулм қилиш ҳам золимликдир.

Жумладаги «аҳд» сўзи имомликка ваъда маъносида келяпти. Имомлик эса намоздаги имомликдан тортиб, то Ислом юрти раҳбарлигигача бўлган

масъулиятли ишдир. Шундан келиб чиқилса, дин нуқтаи назаридан, золимлар мусулмонларга пешволикка лойиқ эмаслар. Бу ишда наслу насаб, молу дунё ёки бошқа дунёвий сабаблар эътиборга олинмайди. Ислом ўлчовига кўра, яъни илоҳий ўлчов бўйича, фақат иймон, тақво, амали солиҳларгина эътиборлидир. Иброҳим алайҳиссаломдек улуғ пайғамбарнинг зурриётларига ҳам насл-насаблари фойда бермас экан, бошқаларга йўл бўлсин.